



Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь куни транспорт соҳасида ислохотларни жадаллаштириш масаласи бўйича йўналиш ўтказди.




Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмити раиси С.Тошбоев ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Н.Холиқназаров Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва умра ишлари вазир Тавафиқ бин Фавзон ар-Рабиа бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ўзбекистон бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазир Жамшид Хўжаев ҳамда Қозоғистон бош вазир ўринбосари – савдо ва интеграция вазир Серик Жумангарин бошчилигидаги икки мамлакат делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар ўтказилди.



«Таракқиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Элдор Туляков ҳамда «Huawei» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили ва компаниянинг Евроосиё бўйича стратегик маркетинг бўлими директори ўринбосари Илья Левчук ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ҳукумат идоралари ва мобил алоқа оператори билан ҳамкорликда «Янши нарсалар интернет» деб номланган платформа ишлаб чиқилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchgz



Танлов

Меҳнат ҳуқуқи билимдонлари

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ташкил этилган «Меҳнат ҳуқуқи ёшлар нигоҳида» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди

Тадбирни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев олиб борди. Таъкидланганидек, ушбу танлов талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида халқаро ва миллий меҳнат стандартларининг моҳиятини тарғиб этиш, шу орқали фаол фуқаролик позициясига эга бўлган авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилди. Тест шаклида ташкил этилган саралаш босқичида олий таълим муассасаларидан 2120 нафар талаба ўзларининг ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказишди.

Танловнинг республика босқичи эса оғзаки суҳбат (блиц савол-жавоб) шаклида бўлиб, унда 18 нафар энг билимли ва зукко талаба қатнашди. Натижаларга кўра, 1 нафар биринчи, 2 нафар иккинчи ва 2 нафар учинчи ўринлар эгалари аниқланди.

Кўзлари чақнаб турган билимдон ёшларни кузатиб қалбим фаҳрга тўлди, – дейди Тошкент давлат юридик университети проректори Аҳрор Ҳошимов. – Айтиш кераки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари, мажбурий меҳнатни бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган ушбу танлов ўсиб кел-

лаётган ёш ҳуқуқшуносларнинг меҳнат ҳуқуқи борасидаги қонун ҳужжатлари, халқаро меҳнат ҳуқуқи оид стандартларни билиш даражасини баҳолашни ҳам қамраб олди. Шу билан бирга, ёш ҳуқуқшуносларда меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқий билим ва кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилди.

– Ушбу танловда биринчи ўринни қўлга киритдим, – дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ факультети 4-босқич талабаси Дониёр Усмонов. – Бундай танловлар мазмун-моҳиятига кўра ҳам жуда муҳим, чунки бу жараён фикрлашга ундайди. Ҳуқуқий вазиятга баҳо беришда, киши ўз позициясини қонунчиликдан келиб чиқиб билдиришда ҳам ўзига хос сабоқ бўлади. Танлов меҳнат соҳасидаги билимларини оширишда дастуриламал вазифасини ўтагани билан ҳам ўта аҳамиятлидир.

Ғолибларга диплом ва қиммат баҳо совғалар топширилди. Танловнинг республика босқичи бошқа иштирокчилари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»

Саиднабар АБДУРАИМОВ олган суратлар



Самарқанд вилояти

Учрашув

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашида Миср Араб Республикаси касба уюшмалари вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди.



ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Учрашувда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов жамоат ташкилоти фаолияти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий шериклик асослари юзасидан атрофлича маълумот берди.

Миср Араб Республикаси энергетика, геология ва сув хўжалиги соҳалари ходимлари касба уюшмалари кенгаши етакчиси, делегация раҳбари Муҳаммад Ҳасан Мисрда фаолият юритаётган касба уюшмалари фаолиятига тўхталиб ўтди.

– Самарқандга бўлган сафарларимиздан катта таассуротлар олдик, – деди Миср тиббиёт ходимлари касба уюшмаси қошидаги аёллар фонди раҳбари Шокура Шайма хоним. – Ўзбекистон касба уюшмаларининг аёллар манфаатларини ҳимоялашдаги ишлари таҳсинга лойиқ.

Учрашувда ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, туризм йўналишидаги фаолиятларни мувофиқлаштириш юзасидан келишиб олинди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Фарғона вилояти

Мавзуга қайтиб...

«БУ ЙИЛ ҲАМ ШИФОХОНАГА ЎТИН КЎТАРИБ БОРАМИЗМИ?»

УЧКЎПРИК ТУМАННИНГ «БОБОШБЕК» МФЙ ҲУДУДИДАГИ 60-СОНЛИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАГА ҚАРАшли «ЧОРБОҒ» ШИФОКОРЛИК УЙИ 7 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

1997 йилда фойдаланишга топширилган бино ҳозир анча хароб аҳволда. Бу ерда на беморларнинг муолажа олиши учун, на шифокорларнинг ишлаши учун етарлича шароит бор.

Қизиғи, қиш кунларида беморлар шифо масканига хоналарни иситиш учун ўтин кўтариб келишади. Бу мавзуда аввал ҳам «Ishonch» газетасида мақола чоп этилган. Шундан сўнг туман ҳокими, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари поликлиникадаги аҳвол билан танишган эди. Ўрганишлардан сўнг шифокорлик уйининг иссиқлик таъминоти ва бино иншоотларни жорий таъмирлаш учун 396 миллион сўм ажратилдиган бўлган.

Аҳолининг таъкидлашича, бироздан сўнг, яъни шу йилнинг февраль



ойида таъмирлаш ишлари бошланган. Аммо, афсуски, жараён якунига етмасдан ташлаб кетилган. Бундан ҳам ёмони, муолажа, патронаж, эмлаш ҳамда УАШ хоналарининг таъмирига қўл ҳам урилмаган. – Поликлиникада таъмирлаш ишлари қишда бошланган эди. Мана, ҳалигача турагани йўқ, – дейди муолажа олишга келган Салимаҳон Сотволдиева. – Хоналарда беморлар учун умуман шароит йўқ.

– Ноиложликдан шу ерда ётибман. Агар соғлигим яхши бўлганида, бу ерга қадам ҳам босмаган бўлар эдим, – дейди бемор Шарофатхон Омилова. – Наҳотки, бошланган ишлар шу тахлит қолиб кетаверса? Нега раҳбарлар одамларнинг саломатлигига бефарқ қарашаяпти? Ахир бу ер омборхона эмас, шифохона-ку!..

Шу ўринда савол туғилади, модомики, муассасани таъмирлаш учун салкам 400 миллион сўм йўналтирилган экан, унда нега ҳалигача таъмир якунланмапти? Айнан шу саволга жавоб олиш мақсадида Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмасида бўлди.

Бирлашма бош ҳисобчиси Алишер Ҳожиматовнинг таъкидлашича, 60-сонли

оилавий поликлиникага қаршли «Чорбоғ» шифокорлик уйининг таъмирлаш ишларига 217 миллион сўм маблағ ажратилган ва таъмирлаш ишлари тез кунларда бошланади (Аввалги қарийб 400 миллион сўм ҳомийлик ёрдами экан).



Шундан сўнг Учкўприк тумани ҳокими Аброржон Асқаров, туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари Баҳодиржон Орипов билан ҳам суҳбатлашди. Улар муассасадаги ҳолатдан хабарлари борлиги, шифокорлик уйида шу кунларда таъмирлаш ишлари бошланиши, поликлиниканинг барчаром-эшиклари, поли, иситиш тизими янгилашни, умуман, таъмирлаш ишларидан сўнг шифокорлар учун ҳам, беморлар учун ҳам қулай шароитлар яратилиши ҳақида маълум қилишди.

Биз мутасаддиларнинг сўзларига ишондик. Аммо одамлар негидир «Бу йил ҳам шифохонага ўтин кўтариб борадиганга ўхшаймиз», дея бу ваъдаларга ишонимасаяпти.

Нима бўлганда ҳам, кутайлик-чи? Балки бу сафар масъуллар гаплари устидан чиқарар? Мавзуга эса яна қайтамиз.

Жамшид ЭРҒАШЕВ «ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...





ҲАМ ҲУНАР ЎРГАНЯПТИ, ҲАМ ДАРОМАД ТОПЯПТИ

Қарор ва ижро

ҳудудларда кооперациянинг афзалликлари намоён бўлмоқда

Абдукарим АҚМЕДОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерациясининг Сурхондарё вилояти
кенгаши раиси

Президентимизнинг 2021 йил 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Сурхондарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишга эришиш йўлида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойида Сурхондарёда кооперация усулида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Термиз шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан тижорат банклари ҳамкорлигида умумий қиймати 80,4 миллиард сўмдан иборат 58 та лойиҳа шакллантирилди. Воҳадаги шароити огир 53 та маҳаллага 58 нафар етакчи тадбиркор бириктирилди. Лойиҳаларда 10110 та хонадон қамраб олинди, 11120 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 46 нафар тадбиркорга 47,3 миллиард сўм кредит ажратилган.

Тижорат банклари ажратган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, хонадонларнинг қамраб олингани ва иш ўринлари яратилганини вилоят қасаба уюшмалари кенгаши мутахассислари доимий мониторинг қилиб боришяпти ва тадбиркорларга амалий ёрдам беришмоқда.

Кооперация ташкил этиш истагини билдирган 53 нафар ташаббускор тадбиркорнинг 21 нафари паррандачилик, 27 нафари иссиқхона хўжалиги, гулчилик, гиламчилик, ҳунармандчилик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик лойиҳалари асосида фаолият олиб боришяпти. Жумладан, Ангор туманидаги

«Кайран» маҳалласида фаолият кўрсатаётган «Серо Асфальт» МЧЖ томонидан кооперация усулида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида «Миллий банк»нинг Термиз филиалидан ажратилган 1,5 миллиард сўм ҳисобига 170 та оилага 11 минг бош жўжа тарқатилди. Ўтган қисқа вақт мобайнида бу маҳаллада паррандачилик анча ривожланди. Ҳозир одамлар етиштириётган тухум бозор ва савдо дўконларига чиқариляпти. Бир йилдан сўнг товуклар аҳолидан йиғиб олинади ва гўштга топширилади. Оилаларга яна жўжалар берилди.

«Новшаҳар» маҳалласида «KARVON-SARBON-FAYZ» МЧЖ ишбилармонлари

ҳам банкдан ажратилган 1,4 миллиард сўмга 170 нафар ҳамда Термиз туманидаги «Ostona gilanchi» МЧЖ тадбиркорлари 500 миллион сўм кредит ажратилиши эвазига 70 нафар қишлоқ хотин-қизлари билан шартнома тузган ва уларга гилам тўқиш асбоб-ускуналари, зарур хомашё етказиб бермоқда. Қишлоқ аёллари тўқиётган ранг-баранг гиламларнинг харидори ҳам тайин. Ишбилармонлар мақсулотнинг бир қисmini ички бозорга, қолганини экспортга йўналтиришди.

«БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА КООПЕРАЦИЯ УСУЛИДА ИШЛАШГА ТАЛАБГОР ХОНАДОНЛАР АЪЗОЛАРИГА 5-6 СОТИХЛИ ИССИҚХОНА ҚУРИБ БЕРИШЯПТИ. ИККАЛА ТАШКИЛОТ ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА 100 НАФАРДАН ИШСIZNING БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГАН.

Жарқўрғон туманидаги «Намуна» маҳалласида фаолият кўрсатаётган «Grand-chicken-house» МЧЖ ишбилармонлари кооперация усулида лойиҳа асосида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 700 миллион сўмлик банк кредити, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги жамағат ҳисобидан ажратилган 500 миллион сўм субсидия ҳисобига 170 нафар кишини паррандачилик билан шуғулланишга жалб эта олишди.

Узун туманидаги «Янги куч» маҳалласида «Гранд Янги куч Парранда» хусусий корхонаси ишбилармонлари ҳам «Алоқабанк»дан ажратилган 1 миллиард сўм кредит ҳисобига 150 та хонадон билан кооперация асосида меҳнат қилиб, бройлер гўшт ва тухум етиштириш учун товук боқияпти. Хусусий корхона ишбилармонлари танаб олинган аҳоли хонадонларига бориб, жониворлар парвариши учун махсус жой қилиб, асбоб-ускуналар билан жиҳозлашган. Омихта ем билан ҳам таъминлашмоқда.

Олис Узун туманида паррандачилик йўналишидан ташқари, яна иккита кооперация усулида тадбир-

корлик йўлга қўйилган. Масалан, «Файзова» маҳалласида «Тўхтамурод бобо строй омад» хусусий корхонаси ишбилармонлари «Агробанк»нинг туман филиалидан берилган 2 миллиард сўм ҳамда «Чақар» маҳалласида «Мурод фазл омад» МЧЖ тадбиркорлари банкдан ажратилган 1,1 миллиард сўм сармоя ҳисобига «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида кооперация усулида ишлашга талабгор хонадонлар аъзоларига 5-6 сотихли иссиқхона қуриб беришяпти. Иккала ташкилот ҳар бир маҳаллада 100 нафардан ишсизнинг бандлигини таъминлашган.

«Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафта»да рўйхатда турганлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромад манбаига эга бўлишида тадбиркорлик субъектлари билан бирга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Жорий йилнинг бошида «Oltinsoy zif textil», «Agro plast», «Umidaxonim milliy shirinliklari» каби бир неча корхоналарга кенгашиимиз томонидан янги иш ўрни яратиш учун қайтариш шарти билан 4 миллиард 425,4 миллион сўм ажратилди. Бу корхоналарда 767 нафар хотин-қиз кооперация усулида тикувчилик, пишириш ва нон маҳсулотлари, кир ювиш ҳамда умумий оқватланиш, қандолатчилик, дизайнчилик йўналиши бўйича иш билан таъминланган. Мисол учун, «Oltinsoy zif textil» тикувчилик фабрикаси маъмурияти

қасаба уюшма ажратган 1,5 миллиард сўм эвазига 300 нафар хотин-қизни кооперация асосида меҳнатга жалб қилган. Улар ҳам хуна ўрганияпти, ҳам даромадли бўлишяпти.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда кооперация усулида ишни ташкил этиш ўзининг ижобий самарасини бериб, афзалликлари намоён бўлиб борапти.



Қашқадарё вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

Косон туманининг «Пахтазор» маҳалласида яшовчи Гуландон Назарова биринчи гуруҳ ногирони. Унинг кўзлари ожиз. Ночорлик анча қийнаб қўйган. Қарийб қирқ йил илгари қурилган уйи хароба бўлиб қолган. Қор-ёмғир, иссиқ-совуқ таъсирида унинг эшик-деразалари чириган. Чўлнинг изғиринли шамоли эсганда бу уйни ҳар қанча ўтин билан иситиб бўлмасди. Опанинг дарди исчида, зим-зиё қалби илжисизлик ва имконсизликдан сим-сим оғирди. Ана шундай рутубатли кунларнинг бирида бир гуруҳ одамлар йўқлаб келишди. Улар аёлга умидсиз бўлмаслигини, уни «Аёллар дафтари»га кириштиганини, энди ёруғ кунлар бошланишини айтишди.

ХОНАДОНЛАРГА ХОТИРЖАМЛИК КИРМОҚДА

Воқеалар ривожига давлат томонидан маблағ ажратилиб, унинг эшик-ромлари алмаштирилди, таъмирланди. Опанинг зим-зиё дилида нур, тилида ташаккур айланди.

Шу маҳаллада яшовчи Феруза Ўринованинг уч нафар фарзанди бор. Ўзи ва эри ишсиз. Топиш-тутиш бўлмагандан кейин оилавий иқтисод ҳам шунга яраша бўларкан-да. Боз устига, бу йил қизи Маржона Мамаражабова Самарқандга ўқишга кирди. Яна «контракт»га денг...

Ишчи гуруҳ аъзолари бу оиланинг аҳолини ўрганиб, аёлга кредит олишни ва бу маблағга чорвачилик билан шуғулланишни маслаҳат беришди. Рўзгорни обод қилиш фурсати келгани, имконияти туғилгани рост бўлсин. Яна бир яхши янгилик шуки, талаба қизининг ўқишига дастлабки «шартнома» тўлови давлат томонидан ўтказиб берилдиган бўлди.

Худди шундай кредит эвазига чорвачилик билан шуғулланаётган Анора Санаккулова, Гулрух Чўлиева, Зебо Ибодова хонадонларида ҳам ижобий эврилишлар кўзга ташланади. Кредит олиб, тикувчилик қилаётган Феруза Содиқованинг иши олдинга силжиб қолди.

Икки нафар фарзанднинг онаси Камола Тўраева ишсизлик тоифаси бўйича «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Аёл мономарказда ўқиб, турли пишириқлар пиширишни ўрганди. Энди унга субсидия асосида печь берилди.

Маҳалланинг хотин-қизлар фаоли Нодира Темирова хонадонма-хонадон юрганга ҳам, қабулига бирор аёл арз билан кирганда ҳам имтиёз ва қўлайликлар ҳақида батафсил тушунчалар беришдан чарчамайди.

Тумандаги «Косон» маҳалласида «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида 66 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган. Улардан 28 нафарига такрорий экинлар экиш мақсадида фойдаланиши учун фермер хўжалиқларидан ер майдонлари ажратилди. Масалан, Каромат Ёриеванинг ўзи ва эри ишсиз. Икки нафар фарзанди бор. Аёл касалманд. Хайриятки, эри деҳқончилик ҳадисини олган. Шу боис уларга 12 сотих ер ажратилди. Ёзда бу жойга сабзи экишди. Қарашди, меҳнат қилишди. Ҳозир сабзи пишай деб қолди. Сотса, рўзгорнинг бир қорига яраши аниқ.

Ойхон Ҳақбердиевнинг боқувчиси йўқ. У тикувчиликка ўқиди ва «Бунёдкортекстиль» корхонасига ишга жойлашди. «Ўғлим бор, деҳқончилик қиламиз» деганди, бу аёлга ҳам такрорий экин учун 50 сотих ер ажратилди. Юлдуз Жўраева эса «Бахттекстиль» кластер корхонасида 1800 минг сўм маош эвазига иш бошлади. Дилдора Пўлатова 5 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, уйда пишириқ тайёрлашни йўлга қўйди.

«Аёллар дафтари»ни варақлар эканми, инсон қадрини улуғлаш, хотин-қизлар муаммоларини ечиш орқали хонадонларга хотиржамлик ва фаровонлик кириб келаётганига яна бир қарра амин бўлди.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

Фарғона вилояти

Ташкилот, корхона, муассасаларда ишлаётган ходимлар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиш чоғида чиқимдор бўлмаслиги Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган бўлса-да, айрим ташкилот раҳбарлари бунга панжа орсидан қараётганлари бор гап.

Қасаба уюшма аралашгач...

ХОДИМ ТИББИЙ КЎРИК УЧУН ЧИҚИМДОР БЎЛМАЙДИ

Худди шундай ҳолат Фарғона вилояти фтизиатрия пульмонология марказида кузатилди. Унда 93 нафар тиббиёт ходими тиббий кўрик вақтида чиқимдор бўлиб қолган. Мазкур ҳолат Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекторлари томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан марказ директори номига кўрсатма хати киритилди. Натихада марказнинг тегишли буйруғи чиқарилиб, 93 нафар ходимнинг тиббий кўрик учун сарфлаган жами 4 миллион 128 минг сўм миқдордаги ҳақлари нақд пул кўринишида қайтариб берилди.

Иш берувчи, доим ёдда тутинг: тиббий кўрик учун ходим чиқимдор бўлмаслиги керак. Бу қонунчиликда мустақамлаб қўйилган.

Равшанжон ФОЗИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори

Самарқанд вилояти

Боқий шаҳарга саёҳат

«Буюк Ипак йўли» туризм маркази Самарқанднинг энг муъжизакор масканларидан бирига айланди. 200 гектар майдонни эгаллаган марказда 2 та беш юлдузли, 2 та тўрт юлдузли ва 4 та бутик-хотеллари бўлиб, боқий шаҳар этно шаҳарчасида қадимий меъморий анъаналарга хос тарзда уста-хунармандлар устахоналари, савдо расталари, мил-

лий таомлар марказлари барпо этилган. 2,5 минг туристни қамбул қила олиш қувватига эга маскан юртдошларимиз ҳамда хорижлик меҳмонларга манзур бўлмоқда.

Яқинда қасаба уюшмалари ташаббуси билан бир гуруҳ тизим фаоллари, куйи ташкилотлар етакчиларининг янги марказга саёҳати ташкил этилди.

Кўҳна ва навқирон диёримизга мос маскан кишининг баҳри дилини очади, – дейди қасаба уюшма фахрийси Садриддин Аслиддинов.

Саёҳатчиларга қасаба уюшмалари қошидаги «Қасаба Самарқанд» туристик фирмаси автобуси беминнат хизмат кўрсатди.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Жиноят. Шу йил 20 август куни Сирдарё вилоятида муҳдис қотиллик содир бўлди. Бош прокуратуранинг тасдиқлашча, номаълум шахс Ховос туманининг Минор кўчасидаги уйларнинг бирига ўғрилик қилиш мақсадида яширинча кириб, 14 ёшли қизни (юзини кўриб қолгани сабабли) пиноқлаган. Сўнг 78 ёшли аёлга пиноқ билан таҳдид қилиб, ундан пул талаб қилган. Аёлдан «пул йўқ», деган жавобни олгач, ҳодиса жойидан яширинган.

Суриштирув натижасида жиноятни 1997 йили Наманган вилоятида тугилган, муқаддам бир неча бор судланган, хусусан, охириги марта 2018 йилда босқинчилик жинояти билан айбланиб, ҳозир манзил колонияда жазо муддатини ўтаётган шахс содир этгани аниқланган.

Мулоҳаза. 25 ёшли йигит жиноят содир этгани учун у марта жазоланган, аммо бундан сабоқ чиқармаган. Майда безориликлари эса охириги бат қасдан одам ўлдириш билан якуллади.

Ҳўш, қилмишига пушаймон бўлиш, тўғри йўлга қайтиш ўрнига оғир жиноятга қўл урган бу шахс қайси мезонлар асосида манзил колонияга ўтказилган?

Муносабат. Ҳолатни ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти матбуот котиби қуйидагича изоҳлади:

– Ушбу шахс, ҳақиқатан ҳам, 40-манзил колонияда жазо муддатини ўтаётган вақтда ишлаб чиқариш объектидан қочиб чиқиб, жиноят содир этган. Бундан аввал ҳам у бир неча марта судланган, – дейди Зойир Йўлдошов. – Тегишли қонун-қоидаларга биноан, маҳкумлар манзил колонияга ўтказилганда бир қанча энгилликларга эга бўлади. Хусусан, истганча уяли алоқа воситасидан фойдаланиши, хоҳлаган нарсага (қонун билан тақиқланган, шунингдек, спиртли ичимликлардан ташқари) тановул қилиши мумкин. Улар қўриқланмасдан, фақат назорат тартибда жазо ўташади.

Манзил колонияларга ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган, шунингдек, қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, меҳнатга лаёқатли шахслар маълум қоидаларга биноан ўтказилади.

Масалан, оғир турдаги жиноятни содир этган шахс жазо муддатининг тўртдан бир қисмини, энгил турдаги жиноят содир этган маҳкум эса жазо муддатининг учдан бир қисмини ўтаб бўлгач, суднинг тегишли қарори билан манзил колонияга ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришдир.

Жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасида шундайлар ҳам борки, улар билан мулоқот қилиш, тўғри йўлга қайтариш бирмунча қийин. Фикримча, бундай жиноятчиларни манзил колонияга ўтказиш керак эмас, аммо қонун доирасида бунга мажбурсиз. Ушбу маҳкум ҳам, гарчи тузалиш йўлига буткул ўтмаган бўлса-да, хулоса чиқаргани ва пушаймонлигини билдиргани учун инсонпарварлик далолатномасига биноан манзил колонияга ўтказилган.

Таҳлил. Маълумотларга кўра, манзил колонияда жазо муддатини ўтаётганлар орасида шу йилнинг ҳисобидида бу бешинчи жиноят. Демак,

маҳбусларни тузалиш йўлига ўтганини баҳоловчи мезонлар талабга жавоб бермапти. Балки уларни қайта кўриб чиқиш зарурдир.

Бу масала 2 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган йиғилишида кўриб чиқилди.

Ушбу қонунга кўра, жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг, шу жумладан, ноғиронлиги бўлган маҳкумларнинг ҳуқуқ доираси кенгайтирилиб, халқаро ҳуқуқ нормалари билан мувофиқлаштирилмоқда. Шунингдек, маҳкумларни рағбатлантириш, муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони энгилроғига алмаштириш (манзил колонияларга ўтказиш) чораларини кўриш учун асос бўладиган мезонлар белгиланмоқда.

Йиғилишда маҳкумларга оид қонун лойиҳаси депутатлар ва ИИБ вакиллари ўртасида баҳсга баб бўлган. Хусусан, депутатлар маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтганини баҳоловчи мезонларга эътироз билдиришган.



Шахсий фикр

ДЕПУТАТЛАР маҳкумлар тарафида эмас... (ми?)

«Маҳкумларни тузалиш йўлига ўтди деб топиш мезонлари шунчалик қийинки, бунга идеал одам бўлиш керак», деган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Нурдинжон Исмоилов. Таъкидлашчи, меҳнатга, таълимга виждонан ёндашиш бўйича киритилган мезонда маҳкумнинг белгиланган иш нормаларини бажариши, унда онгли равишда мустақил меҳнат қилиш кўникмалари шаклланиши, ўқишга ва касб эгаллашга бўлган қизиқиши инobatга олинади.

Навбатдаги мезон сифатида эса маҳкумнинг қамоқхонада ташкил этиладиган тарбиявий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилишида дағу фаол иштироки, шахсий ташаббуси, бошқа маҳкумларга ибрат бўлиши эътиборга олинishi қайд этилган.

Спикер лойиҳа ташаббускорларига «Борди-ю, маҳкумлар мазкур мезонларни бажара олмай қолса-чи?» деган савол билан юзланган.

«Иш нормалари қанча бўлишини қаердан биламиз? Унинг қобилияти пастроқ бўлиши мумкин. Онгли равишда дегани нима? Уни онгли ҳам, онгли эмас ҳам дейиш мумкин. Ким буни баҳолайди? Умуман, маҳкумлар маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишини хоҳламаса-чи?» деган Н.Исмоилов.

Ўз навбатида, ИИБ ҳузуридаги жазони ижро этиш департаменти бошқарма бошлиги Жамшид Султонов депутатлар норозилик билдираётган мезонлар юзасидан тушунтириш берган. Хусусан, унинг қайд этишича, амалдаги талаб ижроси юзасидан бир йилда ўртача 10-11 минг нафар маҳкум озод қилинади ва янги тақлиф этилаётган мезонлар ҳам аввалгисидан деярли фарқ қилмайди.

«Маҳкумлар орасида шундайлар ҳам борки, ўзи соғлом, жинояти оқибатида етказилган зарари бор, лекин ишлаши, зарарни тўлашни хоҳламайди. Тадбирларга жалб қиладиган бўлса, шахсий вақтим, дам олишим керак, деган вақт билан чиқмайди» дея ҳолатни изоҳлаган Жамшид Султонов.

Нурдинжон Исмоилов эса бу изоҳни қабул қилмаган. «Эртага маъмуриятнинг фойдасига ўйнайдиган ҳужжат бўлмаслиги керак, агар маҳкумнинг фойдасига ўйнаса, майли, рози бўламиз», деган у.

Хуллас, депутатлар ўша йиғилишда ИИБ масъулларидан маҳбусларга қўйилаётган талабларни осонлаштиришни сўрашган.

Савол. ИИБ мутасаддиси айтаётганидек, шу вақтгача амалдаги мезонлар бўйича 10-11 минг нафар маҳкум озод этилаётган ёки жазоси эн-

гилроғига алмаштирилаётган экан, нима учун депутатлар аввалроқ эътироз билдиришмаган? Аслида уларга таълим-тарбияни, касб-хунарни мажбурлаб ўргатиш керак эмасми? Умуман, юқориди мезонлар депутатлар ваҳима қилаётганидек оғир эмас-ку!?

Инсон ҳуқуқлари... инсон ҳуқуқлари дея маҳкумларни бошимизга кўтармаямизми? Алақибат, бу хотамтойлигимиз жиноятлар сони янада ортиб кетишига хизмат қилмасмикан? Депутатлар маҳбусларга энгиллик талаб қилаётган вақтда масаланинг шу тарафларини ҳам инobatга олишганмикан?

Фикримизча, жиноятчига қулайлик яратилган сайин, у тўғри йўлга қайтмайди. Чунки унда пушаймонлик ҳисси бўлмайди. Бу ҳиссиёт қатъий тартиб-интизом натижасида юзага келади.

Мисол. Яқинда ҳаёти давомида бир неча бор жиноятга қўл урган бир маҳкумнинг интервьюсини кўрдим. «Нима учун қайта-қайта жиноятга қўл урдингиз?» деган саволга «Агар биринчи марта жиноят содир этган вақтимаддек оғир жазо тайинланганда эди, мен ҳозир бу ерда бўлмас эдим», деб жавоб берди. Бу маҳкумнинг хулосаси.

Мулоҳаза. Журналистик фаолиятимиз давомида бир неча мартаба ваюга етмаганлар колониясида бўлиб, маҳкумларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишганмиз. Улар билан суҳбатлашганмиз.

Ишонинг, у ерда маҳкумларга яратилган шарт-шароит унча-мунча ижтимоий объектларда йўқ. Маҳбуслар тоза, қишда иссиқ, ёзда

салқин хоналарда жазо муддатини ўтамоқда. Айниқса, тарбия колонияларида маҳкумларга бутунлай бошқача муносабатда бўлишади. Ҳеч бири оғир юмушга ёки қонун билан тақиқланган ишга мажбурланмайди. Ҳақ-ҳуқуқини ҳеч ким поймол этмайди. Ваҳоланки, гап жамиятда одоб-ахлоқ, юриш-туриш қоидаларини бузган, суднинг тегишли қарори билан жазога тортилган шахслар ҳақида кетмоқда. Улар кимнингдир молига, жонига тажовуз қилиб шу ерга тушган. Ҳеч ким уларни бу йўлга киришга мажбур қилмаган.

Аслида ҳеч ким бировнинг эркинлигига, шахсий ҳаётига даҳл қилишга ҳақли эмас. Ҳамма тенг ҳуқуқли. Бу қонунларда ўз ақсини топган. Лекин гап жиноятчилар ҳақида кетар экан, уларга энгиллик туғдиришдан ҳеч қандай наф йўқ. Аксинча, унинг бу иши учун рағбатлантираётгандек бўламиз.

Хулоса. Биз жиноятчиларга энгиллик яратиш ҳақида эмас, уларни тўғри йўлга қайтариш ҳақида кўпроқ қайғуришимиз ва бунинг учун нимаки зарур бўлса, шуни қилиш жоиз. Шундай бир мезон ишлаб чиқилсинки, биринчи бор жиноятга қўл урган шахс дастлабки жазоланишининг ўзидек тўғри хулоса чиқарсин ва бошқа бу йўлга кирмасин. Зотан, жазони ижро этиш муассасаларининг бирламчи мақсади ҳам шу бўлса керак?

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ «ISHONCH»



Молия вазирлиги диққатига!

Жияним Асадбек уч йиллик уринишлардан сўнг тўлов шартномаси асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Қорақалпоғистон филиалига ўқишга кирди. Аммо у Марғилонда яшайди. Ўқишга кирганидан беҳад хурсанд бўлган Асадбек Нукусга жўнаб кетди.

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СОДДАЛАШТИРИШ КЕРАК

Шу кунларда у телефон қилиб қолди. – Зўр гап эшитиб қолдим, – деди у. – Юртимиздаги 14 та тижорат банкдан белгиланган фойз ставкаси асосида таълим кредити олса бўларкан. Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилар экан. Бу вақт оралиғида эса кредитнинг фойзи тўлаб борилар экан, холос. Ота-онам билан маслаҳатлашиб, таълим кредитини олишга қарор қилдик. – Жуда яхши-ку! – дедим унга. Орадан бир неча кун ўтгач, Асадбек яна телефон қилди: – Бу кредит фирт ғалванинг уяси бўлапти. Зарур ҳужжатларни тўплаб, «Агробанк»нинг Марғилон шаҳар филиалига тақ-



Тақлиф

дим этдик. Лекин банк ходимлари кредит олиш учун Марғилонга келиб-кетилишга керак, дейишди. Тартиби шундай экан. Нукусдан Марғилонга бориб келишимнинг ўзи бўладими? Кредитни Нукусдан олай, десам, буям ортиқча ғалва. Чунки бу ерда қариндош-уруғ, таниш-билишларим йўқ. Ҳеч ким менга кафилик қила олмайди. Онамнинг кафилиги учун эса нота-риусга бориб, ишончнома қоғозини юбориш ҳам вақт, ҳам қўлдан маслаҳатлашиб, таълим кредитини олишга қарор қилдик. – Уйга бориб келаверсанг-чи, – Орадан бир неча кун ўтгач, Асадбек яна телефон қилди: – Яхшику-я, аммо ҳозирги вазиятимда бу моддий жиҳатдан ҳам, хавфсизлик жиҳатидан ҳам катта таваккал. На илож, кечку-

рун йўлга чиқаман. Вокзалда вазирлиги эътиборига ҳавола қилмоқчиман: кредит бозоридаги талаб ва тақлифдан келиб чиққан ҳолда, молия муассасалари ажратаётган таълим кредити бериш механизмининг янада соддалаштириш керак. Яъни, бу масалада онлайн платформа ишлаб чиқиш зарур. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, биз ўз олдимизга мам-банкинг муаммоси эмаслигини, қолган банкларда ҳам таълим кредитини онлайн ажратиш ти-шимини йўлга қўйилганини ту-шунтирди. Бунинг учун эса Мо-лия вазирлигига мурожаат қили-шим кераклигини айтди. Шулардан келиб чиқиб, ти-зимни янада ривожлантириш ҳамда талабалар учун янада кўпроқ қулайлик яратиш мақса-дида қуйидаги тақлифни Молия

Мухаммадjon АҲМАДЖОНОВ, журналист

«Ishonch»га жавоб берадилар...

Сув тармоғи тортишнинг имкони йўқ. Шу боис ташиб бериш назоратга олинади

«ISHONCH» ГАЗЕТАСИНING 2022 йил 23 АВГУСТДАГИ СОНИДА «ШУНЧАКИ Н₂O» БОЙ-ҚИШЛОҚКА ҚАЧОН СУВ КЕЛАДИ?» САРЛАҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНИБ, МУТАСАДДИЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛГАН ЭДИ.

Унга «Сурхондарё сув таъминоти» МЧЖ қуйидагича муносабат билдирди: Кумқўрғон туманидаги «Саховат» маҳалласи «Агроучаска», «2-ферма», «3-ферма» қишлоқ аҳоли пунктларидан иборат бўлиб, уларда жами 3665 нафар аҳоли (650 та хонадон) истиқомат қилади. Кумқўрғон тумани марказидан «Саховат» маҳалласи 18-25 километр масофа узокликда, деярли бутун ҳудуди адириклардан иборат, аҳоли хонадонлари жуда тарқоқ жойлашган. «Саховат» маҳалласи ҳудудида ер ости ичимлик сув манбалари йўқлиги боис аҳоли тоза ичимлик сув билан махсус сув ташиш техника воситаси ёрдамида таъминланган. Маҳала ҳудудига бошқа ҳудуддан тармоқ қу-



риш орқали ичимлик сув келтириш иқтисодий жиҳатдан жуда катта маблағ талаб этади. Бунинг кунда «Саховат» маҳалласи аҳоли-сига «Сурхондарё сув таъминоти» МЧЖ та-сарруфида бўлган 25 ва 8 тонна сиғимага эга махсус сув ташиш техникалари ёрдамида гра-фик асосида ичимлик сув таъминоти берил-моқда. «Сурхондарё сув таъминоти» МЧЖ Кумқўрғон тумани бўлими «Саховат» маҳал-ласи аҳоли учун ичимлик сув ташиб берили-шини ўз назоратига олади. «Сурхондарё сув таъминоти» МЧЖ директори Х.САФОВЕВ

«Айримлар, бу беш кунлик дунёда маза қилиб яшаб қолай, дейди. Аммо улар бу дунёда ҳамма нарса ҳисоб-китобли, ўлчовли эканини хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Маишатга берилиш, организми зўриқтириш инсон соғлиғига путур етказадиган асосий омиллардан бири. Нима учун оддий ҳаёт кечирадиган одамлар кўпмал касал бўлавермайди? Чунки уларнинг ҳаёт тарзи оқилона турмуш кечириб учун қулай ва талабдор даражасида. Одамнинг вужуди қийналмаса, зўриқмаса ва инсон тоза сув ичиб, тоза ҳавода нафас олса, 100-150 йил ҳам яшаши мумкинлиги олимлар томонидан исботланган. Бунга ўртача умр кўриш даражаси 83 йил бўлган японларнинг ҳаёт тарзи яққол мисолдир».


Бу фикр-мулоҳазалар сўхбатдошим – тажрибали, фидойи шифокор, қалби пок, тилида ва дилида ҳаммаша яхшилик туйғуларини уфуриб турувчи дилкаш-дардак инсон Санобар Мусиновага тегишли. У билан сўхбатлашсангиз, дардингизни ҳам унутасиз. Сизни қандайдир меҳри инсоннинг сеҳри қамраб олади.

Бу шифокор аёли салкам йигирма йилдан бери яхши биламан. Ёши улғайган сари одамнинг соғлиғи ҳам кетаркан. Ана шу соғлиқни тиклаш – шифокорлар зиммасида. Ақлли, билимли, кўпни кўрган, тажрибали, халқ табобати билан замонавий тиббиётни ўзаро уйғунликда олиб борадиган ва амалда қўлайдиган, тўғри ташхис қўядиган шифокор бўлса, бемор тез тугалади.

Санобар Мусинова ана шундай хислатларга эга, ноёб фазилатли шифокор-кардиолог. У ўз умрини беморлар соғлиғини тиклаш, уларнинг дардларига шифо топиб учун сарфлаётган, гоҳида тунни кунга улаб, ўз ҳаловатидан кечиб яшаётган врачлардан бири.

Шифокорликни танлаб кам бўлмадим, – дейди Санобар Мусинова – Самарқанд давлат медицина институтини тугатганимга ҳам келаси дийли 40 йил бўлади. Бу йиллар малакали шифокор бўлиш учун ҳақиқий синов, тажриба, тинимсиз билим, изланиш ва амалиёт даври бўлди, десам, янглишмайман. Ҳам ишладим, ҳам ўқидим, илмий тадқиқотлар ҳам олиб бордим, оилани ҳам бошқардим. Тиббиёт фанлари номзоди бўлдим. Ҳар бир бемор мен учун кашф этилган бир сирли дунё. Уни ўрганиб даволаш – менинг бурчим. Уни урда-лашда хатоликка йўл қўйиш асло мумкин

Фидойи шифокор хислати



эмас. Шифокор хатоси – бу умр жафоси. Ҳамкасбларимга ҳам шуни таъкидлайман. Санобар Мусинова пойтахтдаги 2-марказий клиник шифохонада бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бўлса-да, беморлари олдида раҳбарлигини батамом унутди, ўзини оддий шифокордай тутди. Бемор билан илк бор юзлашгандаёқ, дардининг асл сабабини билишга, синчиклаб ўрганишга интилади. Дилдан сўхбатлашади. Беморнинг ҳаётини, барча хислатларини, одатларини, ҳатто фикр-уйларини ҳам билишга ҳаракат қилади. Гўёки унга энг яқин сирдош, дардакш бир инсон дуч келгандай. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, у бемор учун қайғуриб, қийналади, азобланади.

Ўзининг беморларидан ташқари шифохонада даволанаётган бошқа инсонлар тақдирини ҳам ўйлаш, жонлантириш бўлимини алоҳида назоратга олиб, касаллар ҳақида қайғуриш – унинг зиммасида. Муаммо туғилса, бош врач билан бамааслахат иш кўради, тезда ечимини топишга интилади.

Оддий инсонларга қараганда, шифокорларнинг ҳаёт тарзи жуда қийин, ўзига хос. Айниқса, аёл шифокорлар учун икки баробар оғир, мураккаб. Улар учун иш вақти ва кунлик фаолият чегараланмаган. Гоҳида ҳамширалар беморнинг ҳолатига қараб шифокорни ярим кечада ҳам безовта қилишлари мумкин.

Бир пайтлар ўзим ҳам ёш келин бўлиб, қайнона ва қайнотамнинг синовларидан ўтганман, – дейди Санобар Мусинова. – Ҳозир ўзимнинг ҳам иккита келиним бор. Аёлнинг жони қирқта деб, бежиз айтишмаган. Иш ва оила ташвишлари... Булар ҳаёт талаби, турмушнинг ўзига хос сир-синоатлари. Лекин ҳаётимнинг асосини ташкил қилувчи шифокорлик вазифам, тиббиётимизнинг бугунги куни ва

келажаги мени кўп ўйлантиради, ташвишлантиради. Биласизми, ҳар бир беморнинг танаси бир-бирдан фарқ қилади, ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди. Касалликнинг пайдо бўлиши ва уни даволашда ҳам ана шу алоҳида организм хусусиятларидан келиб чиқиш лозим. Қадимда беморларни миждога қараб даволаш усули бежиз танланмаган. Биз ҳозир нима қиламиз? Масалан, қон босим ошганда фақат уни тушириш билан овора бўламиз, бу касалликни келтириб чиқарадиган асл сабабларни эса баъзан эсдан чиқарамиз. Яна бир гап: замонавий дори-дармонларнинг аксарияти Европа давлатлари ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилади. Улар асосан ўша давлатлардаги беморларда клиник синовлардан ўтказилди. Лекин бизнинг беморлар билан уларнинг беморлари организми бир хил эмас-ку?! Бундан хулоса шуки, дори-дармонлар таъсирини алоҳида ёндашув талаб этилади.

Тўғри, кейинги йилларда тиббиётимиз жуда катта ютуқларга эришмоқда. Замонавий шифохоналар барпо этилмоқда, халқ табобатига кенг йўл очилмоқда. Ута ноёб жарроҳлик амалиётларини ҳам ўзимизнинг шифокорлар амалга оширишни бошлашди. Гоҳида тиббиётда қўрилган натижалар бўлавермайди Мисол учун, яқинда Самарқанд шаҳридаги тиббиёт муассасасида донордан жигарини кўчириб ўтказиш бўйича ўтказилган илк жарроҳлик амалиёти ижобий натижа бермади. Бу кўнгилсизлик қўллаб шифокорлар қатори мени ҳам ташвишга солди, дилимни оғиритди. Ҳозирги кунда бу амалиётнинг сабаблари аниқланмоқда. Менимча, хорижда ишлаётган бир ватандош ҳамкасбимиз айтганидек, у тиббиёт тизимимизнинг замонавий тенденциялардан жуда орқада қолиб кетгани, тиббиёт ходимлари малакасини етарлича ошира олмаслигимиз, тиббиёт институтиларда ўқитиш даражасининг пастиги, Россия тиббиёти ортда қувиш каби жуда кўп омиллалар бориб тақалади. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, донордан кўчириб ўтказилган сўнг қўллаб-қувватловчи ўта ноёб дори-дармонларнинг етишмаслиги ҳам асосий сабаб бўлиши мумкин.

Биз бир кардиолог шифокорнинг ҳаёти ва касб фазилатлари ҳақида қисқача ҳикоя қилдик. Булар – инсоннинг энг назик аъзоси бўйича мутахассис, юрак шифокори

Санобар Мусинованинг ҳаётидан бир томчи, холос. Унинг ўй-фикрлари, тақлиф ва мулоҳазалари бир дунё. Беморларнинг шифо излаб, Ҳиндистон, Германия, Туркия ва бошқа давлатларга катта маблағ сарфлаб бориши уни ҳам ташвишга солади, ўйлантиради.

Касалхоналардаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, уларни замонавий тиббиёт воситалари билан жиҳозлаш, шифокорлар малакасини ошириш – долзарб вазифалардан бири. Буюк табиб, тиббиёт асосчиси Ибн Синонинг юртида яшаётганлар эндиликда ўзга юртларда шифо излаб юриши жуда ачинарли. Ҳатто қаҳрамонимизнинг ўзи ҳам шифокор бўла туриб, турмуш ўртоғи оғир касалга чалинганда Россия ва Туркиядаги клиникаларга мурожаат қилишига тўғри келган.

Тиббиёт тизимида ўзгаришлар бўляпти, янгиликлар кўп. Аммо натижа



Орамиздаги одамлар

ҳали ҳам кўзланганидан кам. Оғрикли муаммолар талайгина. Афсуски, уларни бирикми йилда ҳал қилиб бўлмайди. Ҳаётда унутилмас онлар кўп бўлади. Одамзод заковат қаршида бош эгади, меҳр-шафқат қаршида тиз чўқади. Биз беморларга нафақат тиббиёт хизмати, дори-дармонлар, балки ўзимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатимиз, одамлилик фазилатимиз, бебаҳо қадриятларимиз, сеҳрли ширин забонимиз билан ҳам хизмат кўрсатмас эканмиз, ҳамма ютуқларимиз амалда эмас, сўзда бўлиб қолаверади.

Жаббор РАЗЗОҚОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Доимий ҳамроҳ КИТОБ – тафаккуримиз қанотлари

«Ўқидиган тўхтаган одам фикрлашдан ҳам тўхтайдми», деган эди дошманлардан бири. Дарҳақиқат, китоб – буюк устоз! Биргина китоб инсон ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин. Яъни бахт миллионлаб китоблар орасидан руҳингизга мосини топа олишингизда. Шунинг учун бизларга айтини улғайиш пайтида мутолаага жалб этиш лозим.

Илм олишнинг энг қулай ва таъсирчан воситаси, шубҳасиз, китобдир. Илм эгаллашнинг асосий йўли мутолаадир. Илмни мустақкамлаш ва уни бойитишнинг яна бир воситаси ижоддир.

Шу маънода, китоб ҳамма замонларда ҳам тафаккур ва тарққиёт куёси бўлиб келган. Ҳа, китоб инсоннинг беминнат дўсти, маслаҳатчиси. У инсон тафаккурини бойитиб, коммулик сари етаклайди. Яна бир гап: китобга ошноликни қанчаллик тез ва эрта бошлаш, шунча фойдалидир. Энг муҳими, вақтни бой бермай, уни ўқишни бошламоқ, эринмаслик даркор.

Шу ўринда Жалолдин Румийнинг куйидаги ҳикояти ёдга тушади. Ривоят қилинишича, бир киши йўл бўйига тиканли бута экарди. Тиканлар ўсиб йўловчиларга озор бера бошлади.

Одамлар: «Сен тиканларингни йўлдан йўқот!» дейишди. Лекин у ҳеч кимни тингламади. Тиканлар кундан-кун ўсиб, ўтган-кетганнинг кийимини йиртди, оёқларига қадалиб, қонатиб юборарди.

Волий тиканли буталарни йўқотиш ҳақида амр қилди. У: «Хўп бўлади, эртага барини юлиб ташлайман», деди. Лекин бузун-эрта деб баҳона қилверди. Тиканлар ўсиб, кўкариб, қуватланди.

Волий: «Эй гапид турмайдиған инсон! Амримизни бажо келтир, сабримизни синама!» деди.

Тикан эккан: «Ҳавотир олмаң, олдимида ҳали кунлар кўп-ку. Ўшаларнинг бирида юлиб оламан» деб жавоб қилди.

Волий: «Сен бунини эртага қиламан дегсан-у, аммо тиканлар кун сайин қуватланишпти. Уларни юлиб оладиган ҳам қарияпти, қуватдан қоляпти!», деди.

Хулоса шуки, эринчоқлик деб аталган ёмон хулқдан воз кечайлик. Мутолаага киришайлик. Китобга ошно бўлайлик! Токи илм уммонида сузиш, жамиятда ўз ўрнимизни топишимизда китоблар бизга асосий восита экан, ундан баҳра олайлик, унинг шуълалари билан ҳаёт йўларини ёритайлик.

Ирода БАҲРОНОВА, Навоий давлат педагогика институти талабаси

Хоразм вилояти

СЕРИАЛЛАРНИ ТОМОША ҚИЛИШДАН ЗЕРИКМАДИНГИЗМИ?

– Охири пайтларда телевизорни қўйсангиз, қандайдир сериал намойиш қилинаётган бўлади, – дейди меҳнат фахрийси Ражаббиди Ҳўжаниёзова. – Мени хоҳ туркча, хоҳ корейсча ёки ўзбекча бўлсин, уларни томоша қилишга қизиқмайман. Негакки, шу пайтгача айримларида бирон-бир бамаъни мавзу кўтарилганини кўрмадим. Лекин оилавий межоралар, беҳуда асабийлашишлар, тирноқ остидан кир ахтариб, бир-бирига чоқ қазишлар, қурол ўқталиб, қасд олишга интилишлари кўп кузатиш мумкин. Шунга қарамай, орамизда бунақа фильмларни томоша қилишга қизиқадиганлар, айниқса, ўй бекалари кўп. Уларнинг тор давралардаги ва кўча-кўйлардаги ўзаро сўхбатлари кўпгина ўша сериаллар ҳақида бўлади. Шундай кезларда «Бу аёллар фарзандларига қандай тарбия беришар экан?» деб ўйлаб қоламан...

Дарвоқе, ҳозирги кунда қимматбаҳо вақтининг асосий қисмини турли-туман сериалларни кўришга сарфлаётган хотин-қизлар ҳам талайгина. Улар билан сўхбатлашсангиз, «Телевизорда шуларни намойиш этаётган бўлишса, айб биздами? Ахир, биз ҳам буш вақтимизни нима биландир овуниб ўтказишга ҳақимиз-ку!» дейишди. Бир қарашда, уларнинг гапиде жон бордек туюлади. Бирок бизда «Маҳалла», «Маданият ва маърифат», «Ўзбекистон 24» каби бир қанча телеканаллар ҳам мавжуд. Улар орқали ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга молик, оила даврасида

бемалол кўриш мумкин бўлган кўрсатувлар эфирга узатилади. Бундан ташқари, ота-оналарнинг фарзандларини газета-журналлар ва бадиий асарлар ўқишга даъват этиши, бу борада аввало ўзлари ибрат кўрсатишлари уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб воғая етишида муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, бу масалага жиддий эътибор қаратиш керак. Савияси паст ва миллатимиз менталитетига ёт қандайдир сериалларни томоша қилиб, вақтни беҳуда ўтказгандан кўра, фойдали иш билан шуғулланган минг қарра афзал. Ана шу боис бугунги кунда телевидение орқали берилётган баъзи кинофильмлар, концертлар ва клиплар тўғрисида танқидий фикрлар билдириляпти, ҳатто уларни экрандан олиб талаш масаласи ўртага кўндаланг қўйилляпти. Бизнингча, мутасаддилар бу талаб-истакларни эътиборга олишлари, муаммони илмдон қадар тезроқ ижобий ҳал этиш чораларини кўришлари керак.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА, журналист

Бекат ҳикоялари



Иўл Автобус тирбанд. Ҳамма манзилига ошиқади. Кимдир кетаётган, кимдир қайтиб келаётган бўлади. Қайтиб келаётганлар эртага яна йўлга тушишади, бораётганлар қайтишади. Дунё асли шундай қурилган. Ҳамма йўлда, ҳамма қаергадир ошиқади, кеч қолади, асабийлашади. Кимдир пийёда, яна кимдир автобусда, поездда, самолётда ва ҳатто хаёлотда ҳам. Аммо йўл дегани ҳеч қачон тугамайди. Йўл шундайки, юрганнинг қайсидир манзилга яқинлашгани сари у янада узаяди. Юр, тўхтама, ҳаракат

СИЛКИНИШ

Автобус йўлдан-чўқур йўлда бораётди, бир силкинган эди, тик турган икки киши бир-бирига туртиниб кетди. Бирининг қўлидаги тугун, иккинчисининг кўзойнаги ерга тушди.

қил, дегандек бўлаверади. Секинлашсанг – секинлашади, шовшсанг – шошади. Энди етганида катта қайрилиш келади. Инсон бу дунёга йўловчи бўлиб келади, ўз йўлини юриб бўлгунча яшайди. Қанча қайрилиш айрилишлардан ўтади. Бошқа йўл йўқ, манзил эса битта.

ҚЎШИМЧА ИШ

Бекатда кўп нарсаларга кўзингиз тушади.

Автобус яна кечикди. Бетоқат бўла бошлади. Бир йигит қўлида бир кучоқ қоғоз, бекат шийпончаси устунига эълон қоғозларини елимлаб ёпиштириб кетди. Қизиққанлар ўринларидан туриб ўқишди. Мен ҳам кўз ташладим: «8 сотихли дала-ҳовли сотилади. Шошилич. Чирчиқдан йигирма километр. Бассейн, гараж, боғ».

Янғисига қўшиб, эски эълонларни ҳам ўқиб турганимизда бошқа бир йигит келиб, устунга пала-партиш ёпиштириб ташланган қоғозларни йиртиб, устунни тозалай бошлади.

Иккиси ҳам қўшимча иш билан банд. Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрири ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),

Улугбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛИМУРДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Ҳайдаров

Мусаҳҳилар: Д. Худойберганова, Д. Равшанова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:40 Топширилди – 21:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г-906 31536 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharh» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Iproteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130